

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ

ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИДА

Фактларнинг баёни № 29

МУНДАРИЖА

Бетлар

Қисқартмалар 5 бет

vii

МУҚАДДИМА 6 бет

Боб

I. ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА 7 бет

A. Ҳуқуқ ҳимоячилари нималар билан шуғулланадилар? 7 бет

1. Барча ҳуқуқлар барча учун 7 бет
2. Ҳамма ерда инсон ҳуқуқлари 8 бет
3. Маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда фаолият олиб бориш 8 бет
4. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот тўплаш ва тарқатиш 8 бет
5. Инсон ҳуқуқлари бузилиши жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш 9 бет
6. Жавобгарликни таъминлаш ва жазоланмасликнинг олдини олишга оид чора тадбирлар 9 бет
7. Янада самарали бошқарув ва давлат сиёсати юритилишига кўмаклашиш 9 бет
8. Инсон ҳуқуқлари борасидаги шартномааларга риоя этилишига кўмаклашиш 10 бет
9. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш ва касбий тайёргарликдан ўтиш 10 бет

B. Ким ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиши мумкин? 11 бет

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақ тўланадиган ёки кўнгилли касб фаолияти сифатида 11 бет
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан уни касб қилмасдан шуғулланиш 13 бет

С. Ҳуқуқ ҳимоячилари қандайдир минимал мезонлар талабларига жавоб беришлари керакми? 14 бет

Инсон ҳуқуқларининг универсаллигини эътироф этиш 14 бет

Ким ҳақ ва ким ноҳақ экани маънога эгами? 14 бет

Тинчликсевар хатти-ҳаракатлар 15 бет

II. ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА УЛАР ДУЧ КЕЛАДИГАН БОШҚА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР 15 бет

A. Ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши йўналтирилган қилмишларга мисоллар 16 бет

B. Ҳуқуқ ҳимоячиси бўлган аёлларнинг аҳволи 18 бет

C. Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳуқуқларининг бузилишида айбдорлар 20 бет

1. Давлат ҳокимиятлари 20 бет

2. Нодавлат субъектлар 21 бет

3. Давлат ва нодавлат субъектларнинг ижобий мавқеи 22 бет

III. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

A. Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларация

1. Ҳуқуқий мақом

2. Декларациянинг қоидалари

a) Ҳуқуқ ҳимоячилари учун таъминланадиган ҳуқуқлар ва ҳимоя чоралари

b) Давлатларнинг мажбуриятлари

c) Ҳар бир инсоннинг мажбуриятлари

d) Миллий қонунчиликнинг ўрни

B. Бош котибнинг ҳуқуқ ҳимоячилари масалалари бўйича Махсус вакили

1. Махсус вакилнинг расмий мандати

2. Махсус вакилнинг амалий фаолияти

a) Ҳуқуқ ҳимоячилари билан алоқалар

b) Давлатлар билан алоқалар

c) Бошқа муҳим субъектлар билан алоқалар

d) Ҳуқуқ бузилишининг муайян ҳолатлари

e) Мамлакатларга ташриф буюриш

- f) Амалий машғулотлар ва анжуманлар
- g) Стратегиялар
- h) Маърузалар

3. Моддий-техникавий таъминлаш ва ресурслар билан таъминлашни ташкил этиш – ИҲОКБнинг мавқеи

IV. ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ФАОЛИЯТЛАРИДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУМКИН?

A. Давлатларнинг ҳатти-ҳаракатлари

- 1. Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларацияни қўллаш
- 2. Амалда ҳимояни таъминлаш
- 3. Алоҳида давлат тизимларининг хатти-ҳаракатлари

B. Нодавлат субъектларнинг, жумладан фуқаролик жамиятининг ва хусусий секторнинг хатти-ҳаракатлари

C. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти департаментлари, бўлимлари ва дастурларининг хатти-ҳаракатлари

- 1. Мамлакат миқёсида
- 2. Минтақавий ва халқаро миқёсларда

D. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг хатти-ҳаракатлари

- 1. Иш сифати
- 2. Ўқув ишлари
- 3. Тармоқлари ва алоқа воситалари
- 4. Таҳлил
- 5. Давлат томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини такомиллаштиришга кўмаклашиш
- 6. Ҳимоя стратегиялари
- 7. Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларацияни қўлланилиши

Иловалар

- I. Алоҳида шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга оид ҳуқуқи ва мажбурияти тўғрисида Декларация**
- II. Махсус вакилга Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларациянинг бузилишига оид шикоятларни тақдим этишга оид Раҳбарий тамойиллар**

ҚИСҚАРТМАЛАР

БССТ	Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ХМТ	Халқаро меҳнат ташкилоти
ЖОД	Жаҳон озиқ-овқат дастури
БМТТД	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури
ОҚҚБ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Олий комиссарининг қочоқлар ишлари бўйича бошқармаси
ЮНЕСКО	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
ЮНИСЕФ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси
ЮНИФЕМ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар манфаатлари бўйича тараққиёт учун жамғармаси
ЮНЭЙДС	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ВИЧ/ОИТС бўйича бирлашган дастури

*

* *

МУҚАДДИМА

Мазкур “Инсон ҳуқуқлари: фактларнинг баёни” деб аталган нашр ҳуқуқ ҳимоячиларини ва уларнинг бебаҳо фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. У асосан давлат ҳокимиятларига, миллий ва халқаро ноҳуқумат ташкилотларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ходимларига, хусусий секторнинг асосий субъектларига (жумладан трансмиллий корпорацияларга) ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўзларига ҳавола этилади.

“Инсон ҳуқуқлари: фактлар баёни” шунингдек жамиятнинг кенг қатламларига мўлжалланган журналистларга ёки бошқа шахсларга ҳуқуқ ҳимоячиларининг мавқеи ва аҳволи тўғрисида ахборот тарқатиш жараёнида фойдали бўлиши мумкин.

**Муайян жиҳатдан, “Инсон ҳуқуқлари: фактлар баёни”
қуйидаги мақсадларни кўзда тутди:**

- ❖ ҳуқуқ ҳимоячилари билан тез-тез алоқа қилиб турадиган ҳукуматларга ва мутахассисларнинг кенг қатламига “ҳуқуқ ҳимоячилари” ким ва улар нималар билан шуғулланиши ҳақида тез тушунча бериш;
- ❖ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш;
- ❖ ҳуқуқ ҳимоячиларининг ишлари билан боғлиқ ҳар қандай оқибатлардан ҳимояланишини кучайтириш;
- ❖ ҳуқуқ ҳимоячилари учун ташвиқот, ҳимоя ва ходимлар тайёрлашга оид фаолиятларида ҳуқуқий ҳимоя қўлланмаси бўлиб хизмат қилиш.

“Инсон ҳуқуқлари: фактлар баёни” шунингдек Алоҳида шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг умум эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга оид ҳуқуқи ва мажбурияти тўғрисида Декларация¹нинг қисқача таҳлилинини ҳам мужассам этган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ҳуқуқ ҳимоячилари масалалари бўйича Махсус вакили фаолияти ва иш усуллари тўғрисида ҳам тасаввур беради.

Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларацияда айтиладиги, ҳар бир инсон инсон ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари қўллаб-қувватланиши ва ҳимояланиши учун жавобгардир.

Шу муносабат билан, эҳтимол, энг муҳими шуки, мазкур “Инсон ҳуқуқлари: фактлар баёни” нашри имкон қадар кўпроқ одамлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиши, яъни ҳуқуқ ҳимоячисига айланишига мўлжаллангандир.

I. ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ҳуқуқ ҳимоячилари” атамаси якка тартибда ёки бошқа инсонлар билан биргаликда инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган одамларни белгилаш учун ишлатилади. Ҳуқуқ ҳимоячилари энг аввало қиладиган ишлари билан тавсифланади. Шунинг учун атаманинг моҳиятини энг аввало уларнинг фаолиятини (қуйидаги А бўлинма) ва улар ишлайдиган шарт-шароитларни (қуйидаги В бўлинма)² баён этиш орқали очиқ бериш мумкин. Ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятининг келтирилган мисоллари тугал эмас.

¹ Бундан кейин матнда “Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисида Декларация” деб аталади. Декларация матнига I-иловада қаранг.

² “Ҳуқуқ ҳимоячилари” атамаси 1998 йилда Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисида Декларация қабул қилинганидан сўнг кенг қўлланила бошланди. Унгача кўпроқ “активист”, “фаол”, “мутахассис”,

А. Ҳуқуқ ҳимоячилари нималар билан шуғулланадилар?

1. Барча ҳуқуқлар барча учун

Ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиш учун инсон алоҳида шахслар ёки гуруҳлар номидан исталган инсон ҳуқуқи (ёки ҳуқуқлари) билан шуғулланиши мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячилари фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларнинг қўллаб-қувватланиши ва ҳимояланишига эришадилар, шунингдек улар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг қувватланиши, ҳимояланиши ва амалга ошиши учун ҳам курашадилар.

Ҳуқуқ ҳимоячилари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай муаммолар билан шуғулланадилар, булар турлича характерга эга бўлиши мумкин, масалан, тегишлича судлов жараёни ўтказмасдан туриб қатл этиш, қийноқлар, ўзбошимчалик билан қамоққа ташлашлар ва ҳибсга олишлар, аёлларнинг жинсий органларида ногирон этувчи жарроҳлик амалиётини ўтказиш, камситиш, бандлик муаммолари, мажбуран кўчириш, тиббий хизматдан фойдаланиш имкони, шунингдек заҳарли чиқиндилар билан ишлаш ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири кабилар бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячилари турли инсон ҳуқуқлари ҳимоясига чиқишлари мумкин, масалан, яшаш ҳуқуқи, овқатланиш ва тоза сув ичиш, соғлиқнинг энг юқори даражасига бўлган ҳуқуқлар, етарлича турар-жойга, исмга ва фуқароликка эгаллик, таълим олиш, эркин кўчиб юриш ва камситилмаслик ҳуқуқлари улар томонидан ҳимояланиши мумкин.

Баъзида улар айрим тоифа одамларнинг ҳуқуқлари билан шуғулланадилар, масалан, аёллар ҳуқуқлари, болалар ҳуқуқлари, туб жой аҳолиси ҳуқуқлари, қочоқлар ва ички миграцияга тортилган шахслар ҳуқуқлари, шунингдек миллий, лисоний ва жинсий озчиликни ташкил этувчиларнинг ҳуқуқлари шулар тоифасидандир.

2. Ҳамма ерда инсон ҳуқуқлари

Ҳуқуқ ҳимоячилари дунёнинг барча минтақаларида фаолият олиб борадилар: ички курулли тўқнашувлар кечаётган давлатларда ва барқарорлик ҳукм сураётган давлатларда; нодемократик давлатларда ва бой демократик тажрибага эга давлатларда; иқтисодий қолоқ давлатларда ва тараққий қилган давлатларда.

Улар инсон ҳуқуқларини турли муаммолар контекстида, жумладан ВИЧ/ОИТС муаммолари, тараққиёт, миграция, тизимий қайта қуриш сиёсати ва сиёсий трансформация муаммолари шароитида қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга интиладилар.

3. Маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда фаолият олиб бориш

“ходим” ёки “кузатувчи” сингари атамаларни учратиш мумкин эди. “Ҳуқуқ ҳимоячилари” атамаси қўллаш учун жуда ўринли ва қулай ҳисобланади.

Аксарият ҳуқуқ ҳимоячилари маҳаллий ёки миллий миқёсда иш олиб борадилар, ўз жамоатлари ва мамлакатларида инсон ҳуқуқлари эъзозланишига эриши учун курашадилар. Бу ҳолатда улар асосан алоҳида вилоят ёки мамлакат доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун масъул бўлган маҳаллий ҳокимият идоралари билан ишлашларига тўғри келади. Шу билан бирга айрим ҳуқуқ ҳимоячилари минтақавий ёки халқаро миқёсда иш юритадилар.

Масалан, улар минтақавий ёки халқаро миқёсда инсон ҳуқуқларига оид вазиятнинг мониторингини амалга оширишлари ҳамда ахборотларни инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган минтақавий ёхуд халқаро механизмларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг махсус маърузачиларига ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органларига жўнатишлари мумкин³.

Бироқ ҳуқуқ ҳимоячиларининг фаолияти борган сари қоришиқ ҳолатда кечмоқда, асосий эътибор инсон ҳуқуқларига доир маҳаллий ва миллий муаммоларга қаратилса-да, ҳуқуқ ҳимоячилари мамлакатларидаги инсон ҳуқуқларига оид вазиятни яхшилашда ёрдам бериши мумкин бўлган минтақавий ва халқаро механизмлар билан алоқа ўрнатмоқдалар.

4. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот тўплаш ва тарқатиш

Ҳуқуқ ҳимоячилари инсон ҳуқуқлари бузилишига оид вазиятни аниқлаштирадилар, ахборот тўплайдилар ва уларни тарқатадилар. Улар, масалан, ўзларининг хабарларига жамоатчиликнинг, етакчи сиёсатчиларнинг ва суд мансабдорларининг эътиборини қаратиш учун, ўтказилган текширувларнинг натижалари кўриб чиқилишига ва инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этилишига эришиш учун лоббистик стратегияларни қўллашлари мумкин.

Энг аввало бундай иш вақт-вақти билан ўз хулосаларини қамраб олган маърузаларини эълон қиладиган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар орқали амалга оширилади. Бироқ ахборотни муайян инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолати билан шуғулланадиган ҳар бир инсон тўплаши ва тарқатиши мумкин.

5. Инсон ҳуқуқлари бузилиши жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш

Ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятининг сезиларли қисми инсон ҳуқуқлари бузилиши жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш билан кечади. Ҳуқуқбузарлик тафсилотларини ўрганиш ва улар ҳақида хабар бериш орқали кечаётган ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, унинг тақрорланишининг олдини олиш ва жабр кўрганларга судга мурожаат қилиш имконини бериш мумкин.

Айрим ҳуқуқ ҳимоячилари малакали юридик маслаҳатлар берадилар, шунингдек судлов жараёнида жабрдийдаларнинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Бошқа ҳуқуқ ҳимоячилари жабрдийдаларга маслаҳат берадилар ва ўзларини тиклашларига кўмаклашадилар.

³ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлар тўғрисидаги янада батафсил маълумотларни “Инсон ҳуқуқлари: фактларнинг баёни” нашрининг 10 (Rev. 1), 15, 16 (Rev. 1), 17 ва 27-сонларидан олиш мумкин.

6. Жавобгарликни таъминлаш ва жазоланмасликнинг олдини олишга оид чора - тадбирлар

Кўплаб ҳуқуқ ҳимоячиларининг фаолияти инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий стандартларга риоя этилиши учун жавобгарликни таъминлашга қаратилган. Энг кенг маънода бу ҳокимиятни инсон ҳуқуқлари соҳасига эътибор беришга даъват этиш ва давлат томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш орқали ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажариш учун янада кучли саъй-ҳаракатлар қилинишини талаб этиш бўлиши мумкин.

Янада муайян вазиятларда жавобгарлик чораларини қўллашга интилиш ҳуқуқ ҳимоячиларидан ошқора (масалан, газеталарда) ёки судда ёхуд трибуналда юз берган ҳуқуқбузарликка оид гувоҳлик кўрсатмаларини беришни тақозо этиши мумкин. Бу билан ҳуқуқ ҳимоячилари муайян инсон ҳуқуқлари бузилиши шароитида жабрдийдаларга нисбатан адолатнинг қарор топишига ҳамда жазоланмай қолиш амалиётининг барҳам топишига хизмат қиладилар, бу билан бўлғуси ҳуқуқбузарликларнинг ҳам олди олинади.

Аксарият ҳуқуқ ҳимоячилари, шу мақсадда махсус тузилган ташкилотлари орқали фақат содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазоланмай қолиш ҳолатларига қарши курашишга ихтисослашадилар. Айнан шу гуруҳлардаги ҳуқуқ ҳимоячилари ҳуқуқбузарларни судлов тартибида жавобгарликка тортиш бўйича давлатнинг имкониятларини кучайтириш йўналишида ишлашлари мумкин, масалан, улар инсон ҳуқуқлари борасида касбий тайёргарликдан ўтиш курсларида прокурорлар, судьялар ва полиция ходимларини ўқитишлари мумкин.

7. Янада самарали бошқарув ва давлат сиёсати юритилишига кўмаклашиш

Айрим ҳуқуқ ҳимоячилари ўз фаолиятларида асосий эътиборни ҳукуматни умуман инсон ҳуқуқлари борасидаги мажбуриятларини бажаришга даъват этувчи хатти-ҳаракатларга қаратадилар, бу ҳукумат томонидан инсон ҳуқуқларига оид мезонларга риоя этилиши-этилмаслиги тўғрисидаги ахборотни ошқор этиш ва эришилган прогрессни мониторинг қилиш орқали бўлиши мумкин.

Баъзи ҳуқуқ ҳимоячилари мамлакатда янада самарали бошқарувни таъминлаш масалалари билан шуғулланадилар; улар ҳукуматни демократиклашувга, коррупция ва ҳокимиятни суиистеъмол этишнинг бартараф этилишига чақирадилар ҳамда аҳоли ўртасида сайловларда қандай овоз бериш, сайловларда иштирок этиш муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борадилар.

8. Инсон ҳуқуқлари борасидаги шартномааларга риоя этилишига кўмаклашиш

Ҳуқуқ ҳимоячилари, айниқса ўз ташкилотлари орқали, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга амалда риоя этилишига катта ҳисса қўшадилар. Кўплаб ноҳукумат ташкилотлар (ННТ) ва ҳукуматлараро ташкилотлар турар-жой билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда қашшоқ ва маргинал жамиятларга барқарор иш ҳақи таъминлаш лойиҳаларини ташкил этишда кўмаклашадилар. Улар асосий касбларга ўқитадилар ва асбоб-ускуналар, масалан, жамоатларнинг ахборот олиш имкониятларини яхшилаш мақсадида компьютерлар тақдим этадилар.

Бу ҳуқуқ ҳимоячилари гуруҳи алоҳида эътиборни талаб этади, чунки уларнинг аъзоларини ҳамisha ҳам “ҳуқуқ ҳимоячилари” деб аташмайди, уларнинг ўзлари ҳам ўзларининг муайян фаолиятларига нисбатан “инсон ҳуқуқлари” атамасини ишлатмасликлари, унинг ўрнига “соғлиқни сақлаш”, “турар-жой дастури” ёки “таракқиёт” сўзларини қўллашлари мумкин.

Кўплаб ННТ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими идоралари шундай тоифаларга киради. Уларнинг фаолияти, ҳуқуқ ҳимоячилари фаолияти каби, инсон ҳуқуқларининг эъзозланиши ва ҳимояланиши, шунингдек бу соҳадаги мезонларга риоя этилиши учун муҳим аҳамиятга эга, уларнинг фаолияти ҳам Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларация тақдим этадиган ҳимояга муҳтож ва шунга арзийди.

9. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш ва касбий тайёргарликдан ўтиш

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш - ҳуқуқ ҳимоячилари амалга оширадиган яна бир муҳим фаолият туридир. Айрим вазиятларда маърифий фаолият инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларни хизмат вазифаларини бажариш контекстида қўллашга малакали ўқитиш шаклида амалга оширилади, масалан, судьяларга, адвокатларга, полиция ходимларига, ҳарбий хизматчиларга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилдишини кузатувчиларга шундай таълим берилади. Бошқа ҳолатларда таълим жараёни янада кенг кўламга эга бўлиши ва инсон ҳуқуқларини мактаблар ва университетларда ўқитишни ёки инсон ҳуқуқларига оид стандартлар тўғрисидаги ахборотларни жамиятнинг кенг қатламларига ёхуд эҳтиёжманд гуруҳларга тарқатишни қамраб олиши мумкин.

Шундай қилиб, ахборот тўплаш ва тарқатиш, ёрдам кўрсатиш ва жамоатчилик фикрини сафарбар этиш ҳуқуқ ҳимоячилари ўз фаолиятида фойдаланадиган энг машҳур воситалар ҳисобланади.

Бирок, мазкур бўлимда кўрсатиб ўтилганидек, улар ахборотларни ҳуқуқларни амалга ошишини таъминлаш ёки бошқаларнинг малакасини ошириш мақсадларида ҳам тарқатадилар.

Улар инсон ҳуқуқлари реал воқеликка айланиши учун зарур моддий ёрдамни ҳам берадилар – турар-жойлар қурилишида, озик-оқват маҳсулотлари билан таъминлашда, таракқиётни жадаллаштиришда ва ҳоказоларда иштирок этадилар.

Улар одамлар ҳаётларига таъсир кўрсатувчи қарорларнинг қабул қилиниши жараёнида иштирок этишларини кенгайтириш, самарали бошқарувни мустаҳкамлаш мақсадларида демократик ислохотлар амалга оширилишига эришадилар.

Шу билан бирга, улар ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларнинг яхшиланишига, мамлакат ичида ва халқаро миқёсда тинчликнинг таъминланишига, шунингдек миллий ва халқаро доирада аҳолининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорлиги даражасининг оширилишига жиддий ҳисса қўшадилар.

В. Ким ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиши мумкин?

Ким ҳуқуқ ҳимоячиси ҳисобланади ёки ким ҳуқуқ ҳимоячиси бўла олади, деган аниқ тавсиф йўқ. Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларацияда (I-иловага қаранг) барча инсон ҳуқуқлари ва халқлар ҳамда алоҳида шахсларнинг асосий эркинликларининг барча бузилишларини самарали бартараф этишга кўмаклашувчи алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ассоциациялар тилга олинади (преамбуланинг тўртинчи банди).

Мазкур кенг қамровли таснифга мувофиқ, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатлари учун ишлайдиган ҳар қандай шахс ёки инсонлар гуруҳи ҳуқуқ ҳимоячилари бўлишлари мумкин, бу атама дунёнинг улкан шаҳарларида фаолият юритадиган ҳукуматлараро ташкилотлардан тортиб, то ўзининг маҳалласида иш юритадиган алоҳида шахсларгача, барчани қамраб олади.

Иккала жинс вакиллари ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари бўлишлари мумкин, ҳуқуқ ҳимоячилари турли ёшда бўлишлари, мамлакатнинг исталган жойидан бўлишлари ҳамда ҳар қандай касбий ёхуд бошқа тажрибага эга бўлишлари мумкин. Айни пайтда шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ ҳимоячиларини нафақат ННТларда ва халқаро ташкилотларда учратиш мумкин, улар айрим ҳолатларда давлатнинг мансабдор шахслари, фуқаровий ходимлар ёки хусусий сектор вакиллари бўлишлари мумкин.

1. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақ тўланадиган ёки кўнгилли касб фаолияти сифатида*

Агар аниқ ифода этадиган бўлсак, ҳуқуқ ҳимоячилари - бу ҳар кунлик фаолияти инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғланган инсонлар, масалан, миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларида ишлайдиган кузатувчилар, инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсменлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш билан шуғулланадиган юристлардир.

Бирок, инсонни ҳуқуқ ҳимоячи сифатида характерлайдиган бош мезон – бу унинг лавозими ёки у ишлайдиган ташкилотининг номи эмас, бу у бажараётган ишнинг ҳуқуқни ҳимоялаш характеридир. Ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиш учун “инсон ҳуқуқлари ҳимояси ҳаракатининг фаоли” деган мартабага эга бўлиш ёки номланишида “инсон ҳуқуқлари” деган атамаси бор ташкилотда ишлаш муҳим эмас.

Гарчанд уларнинг кундалик ишлари бошқача белгиланса-да, масалан, “тараққиёт”, “ривожланиш” сўзи билан аталса-да, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг аксарият ходимлари ҳуқуқ ҳимоячиларидир. Дунёнинг барча ерларида гуманитар муаммолар билан шуғулланувчи халқаро ва миллий ННТлар ходимларини бемалол ҳуқуқ ҳимоячиси деб аташ мумкин.

Жамоатчилик орасида ВИЧ/ОИТС тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бораётганлар, туб жой миллат ва элатлари ҳуқуқлари, атроф-муҳит тозалиги соҳасида ишловчи фаоллар, ривожланиш дастурларида ишловчи кўнгиллилар ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари сифатида ҳал қилувчи мавқега эгадирлар.

Кўплаб инсонлар малакали ҳуқуқ ҳимоячилари сифатида ишлайдилар ва ўз ишлари учун маош оладилар. Шу билан бирга, яна бошқа кўплаб инсонлар борки, улар ҳам малакали ҳуқуқ ҳимоячилари сифатида иш олиб борадилар ва бунинг учун бирор-бир иш ҳақи олмайдилар. Одатдар инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи ташкилотларнинг бюджети чегараланган бўлади, бу шароитда ана шу кўнгиллиларнинг меҳнати бебаҳодир.

Кўплаб касб фаолияти турлари доимий ҳуқуқ ҳимояси билан боғлиқ эмас, уларда инсон ҳуқуқлари муаммоси вақт-вақти билан юзага келади. Масалан, тижорат ҳуқуқи билан шуғулланадиган ҳуқуқшунослар, юристлар ҳамisha ҳам инсон ҳуқуқлари муаммосига дуч келавермайдилар ва уларни даб-дурустдан ҳуқуқ ҳимоячилари деб аташ мумкин эмас.

Шунга қарамасдан, улар айрим вазиятларда, дейлик, инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга ҳисса қўшадиган ишларни олиб бораётган пайтларида ҳуқуқ ҳимоячилари сифатида фаолият олиб боришлари мумкин. Худди шу тарзда, касаба уюшмалари раҳбарларининг ечадиган кўплаб ишлари инсон ҳуқуқларига алоқасиз бўлади, аммо улар муайян бир тарзда ишчиларнинг инсоний ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш билан шуғулланганларида уларни ҳуқуқ ҳимоячилари деб аташ мумкин.

Журналистлар ҳам ахборот йиғиш ва уларни матбуот, радио ва телевидение орқали жамоатчиликка етказиш бўйича кенг қўламли фаолият юритадилар. Агар уларнинг умумий ролидан келиб чиқилса, журналистлар эмас. Шу билан бирга кўплаб журналистлар ҳуқуқ ҳимоячилари сифатида фаолият юритишади, масалан, улар инсон ҳуқуқлари бузилишлари тўғрисида ахборот йиғишади ва тарқатишади ҳамда ўзлари шахсан кузатган ходисалар ҳақида далиллар келтиришади.

Ўз ўқувчиларига инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларини таништираётган муаллимлар ҳам шундай мавқени эгаллашади. Инсон ҳуқуқлари бузилишидан жабр кўрганларни даволаш ва тиклаш билан шуғулланадиган шифокорлар ва бошқа малакали тиббиёт ходимларини ҳам шундай фаолиятлари контекстида ҳуқуқ ҳимоячилари деб аташ мумкин; бундан ташқари шифокорларда Гиппократ қасами муносабати билан алоҳида масъулиятлари мавжуддир.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар – судьялар, полициячилар, адвокатлар ва жараённинг бошқа муҳим иштирокчилари – алоҳида мавқени эгаллашади ва уларга давлат фойдасига ёки жиноий гуруҳлар раҳбарлари сингари салмоқли қудратга эга бўлган бошқа кучлар фойдасига қарор чиқаришлари учун кўпинча босим ўтказишади.

Бундай суд жараёнининг иштирокчилари адолатли ва холис судловни амалга ошириш ҳамда шу орқали жабрдийдаларнинг тегишли инсоний ҳуқуқларини кафолатлаш учун алоҳида шиддат ва жасорат кўрсатганларида, улар ҳуқуқ ҳимоячилари сингари ишлашади.

Бундай “алоҳида куч сарфлаш” мезонини бир қарашда инсон ҳуқуқлари соҳасига алоқаси бўлмаган бошқа касб ёки фаолият турлари эгаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бу инсон ўз ишларини баъзан шундай бажаришадикки, бу иш инсоннинг муайян ҳуқуқини қувватлашга айланади. Масалан, айрим меъморлар қурилиш лойиҳаларини шундай ишлашадикки, унда тегишли инсон ҳуқуқлари ҳисобга олинади, дейлик, қурилишда ишлайдиган одамлар учун ҳам етарли (вақтинчалик) макон ҳуқуқи таъминланади ёхуд агар тикланаётган бино болаларга мўлжалланган бўлса, болаларнинг фикри ҳам ҳисобга олиниб, улар билан маслаҳатлашилади.

2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан уни касб қилмасдан шуғулланиш

Кўпчилик одамлар ҳуқуқ ҳимоячилари сифатидаги фаолиятни қандайдир хизмат ёки касб доирасидан ташқарида ҳам олиб борадилар. Масалан, камоқхоналардаги қийноқларни тўхтатиш мақсадида талабаларнинг акциясини уюштираётган студантни ҳуқуқ ҳимоячиси дейиш мумкин.

Шунингдек жамоа хўжалиги аъзоларининг экин экиладиган ерларга саноат чиқиндиларини ташлаш оқибатида тупроқнинг таназзулга учрашига қарши намойишини ташкил этиш учун курашаётган қишлоқ кишини ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари сафига киритиш мумкин.

Ҳукуматдаги сурункали коррупцияга қарши чиқаётган сиёсий арбоб ҳам ҳуқуқ ҳимоячисидир. Чунки унинг ҳаракатлари самарали бошқарувни ҳамда коррупция орқали хавфга учрайдиган муайян ҳуқуқларни қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади.

Мазкур контекстда инсон ҳуқуқларини бузаётганлар устидан суд жараёнларида гувоҳлик қилаётганларни ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларига ёхуд миллий судлар ва трибуналларга қонунбузарликларнинг бартараф этилишига кўмаклашиш мақсадида гувоҳлик бераётганларни ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари деб ҳисоблаш мумкин.

Бутун дунёда одамлар ўз ҳаёт шароитлари ва ўз тасаввурларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари амалга оширилишига эришишга уринадилар. Айрим ҳуқуқ ҳимоячилари халқаро майдонда машҳурликка эришганлар, аммо аксарият исмлар номаълумлигича қолади.

Инсон маҳаллий бошқарув идорасида ишлайдими, ҳонунни ҳимоя қилувчи полициячими ёки ўз маҳоратини адолатсизликни намоён этишга қаратган актёрми, бундан қатъи назар, уларнинг бари инсон ҳуқуқларининг олдинга сурилишида муайян рол ўйнай оладилар. Ҳаммаси бундай инсонлар қай тарзда инсон ҳуқуқларини амалда қўллаб-қувватлашларига ва айрим ҳолларда уларнинг “алоҳида куч сарфлаш”га уринишларига боғлиқ.

Албатта, ҳуқуқ ҳимоячилари ишлашларига тўғри келадиган турли-туман шароитларнинг барчасини санаб чиқиш имконсиздир. Бироқ уларнинг аксарияти учун хос жиҳатлар: инсонларга ёрдам беришда қатъият, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мезонларга садоқат, тенглик ва камситмаслик тамойилларига ишонч, сабот ва, аксарият ҳолларда, улкан жасорат.

С. Ҳуқуқ ҳимоячилари қандайдир минимал мезонлар талабларига жавоб беришлари керакми?

Ҳуқуқ ҳимоячилари учун қандайдир “касб талаблари” белгиланмаган ва, юқорида тилга олинганидек, Ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларацияда аниқ айтиладиги, агар истасак, биз ҳаммамиз инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари бўлишимиз мумкин. Шунга қарамаздан, ҳуқуқ ҳимоячиларига қўйиладиган “стандарт” талаблар масаласи жуда мураккабдир ва Декларацияда ҳуқуқ ҳимоячилари нафақат ҳуқуқларга эга, балким уларнинг мажбуриятлари ҳам бор экани аниқ-равшан кўрсатилади. Мазкур “Инсон ҳуқуқлари: фактларнинг баёни” нашрида учта асосий масалага эътибор қаратилади:

Инсон ҳуқуқларининг универсаллигини эътироф этиш

Ҳуқуқ ҳимоячилари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида⁴ белгилангани каби, инсон ҳуқуқларининг универсаллигини тан олишлари лозим. Айрим инсон ҳуқуқларини инкор этиш ва, айти пайтда, бошқа инсонларни ҳимоя қилаётгани асосида ўзини ҳуқуқ ҳимоячиси деб аташ мумкин эмас. Масалан, эркак инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва, айти пайтда, аёлларнинг ҳам тенг ҳуқуқли эканини тан олмасликни қабул қилиб бўлмайди.

Ким ҳақ ва ким ноҳақ экани маънога эгами?

Муҳим масала – келтирилаётган асосларнинг ҳаққонийлиги масаласидир. Ҳақиқий ҳуқуқ ҳимоячиси учун келтираётган асосларининг тўғри-тўғримаслиги муҳим эмас. Ҳал қилувчи жиҳат мазкур шахс бирор-бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қилаётганлиги масаласидир.

Масалан, ҳуқуқ ҳимоячилари гуруҳи қишлоқ аҳлининг аجدодлари кўп замонлардан бери ишлаб келган ва ўзлари яшаётган ерга эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилишлари мумкин. Улар мазкур райондаги барча ерларга эгалик қилишга даъвогар иқтисодий тизимларга қарши норозилик намойишлари ташкил этишлари мумкин. Улар мазкур ерга эгалик ҳуқуқи масаласида янглишишлари ёки янглишмасликлари мумкин.

Бироқ, уларнинг позицияси юридик нуқтаи назардан тўғри ё нотўғрилиги масаласи улар ҳақиқий ҳуқуқ ҳимоячилари эканини белгилашга алоқадор эмас. Асосий масала улар куюнчаклик қилаётган масала инсон ҳуқуқларига тегишлими ёки йўқми, деган масаладир.

Бу жуда муҳим масала, чунки аксарият мамлакатларда давлат ёки ҳатто жамиятда ҳуқуқ ҳимоячилари фақат бир томонни ҳимоя қилаётганлари учун ноҳақдир, деб билишади. Шу асосда уларни “ҳақиқий” ҳуқуқ ҳимоячилари эмас, дейишади.

Сиёсий маҳбусларнинг ёки қуролли муҳолифат гуруҳларига алоқадор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқадиган ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам кўпинча давлат ҳокимияти томонидан ҳуқуқ ҳимоячилари ҳимоя этаётган шу гуруҳлар ёки фирқаларнинг аъзолари сифатида қарашади.

Бу – нотўғри. Зеро, ҳуқуқ ҳимоячилари улар ҳимоя қилаётган ҳуқуқларга ва уларнинг бу ишни бажаришга бўлган ўз ҳуқуқларига боғлиқ тарзда ҳуқуқ ҳимоячилари деб қабул қилиниши шарт.

Тинчликсевар хатти-ҳаракатлар

Ва, ниҳоят, ҳуқуқ ҳимоячилари амалга ошираётган хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларация талабларига мувофиқ, тинчиликсеварлик характерида эга бўлиши шарт.

II. ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА УЛАР ДУЧ КЕЛАДИГАН БОШҚА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

⁴ Бирлашган Миллатлар Ташкилот Бош Ассамблеясининг 217 А(III) резолюциясига мувофиқ 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган. Қаранг: “Инсон ҳуқуқлари:фактлар баёни”, 2-сон: Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Пакт (Rev. 1).

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамма ишлар ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари учун ўта хавфли эмас ва давлатларда ҳуқуқ ҳимоячилари одатда яхши ҳимояланган. Аммо ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги Декларация қабул қилиниши ва БМТ Бош котибининг ҳуқуқ ҳимоячилари масалалари бўйича Махсус вакили лавозимининг таъсис этилишининг сабабларидан бири ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан қилинаётган шафқатсизликлар ва қувғинларнинг кўлами эди.

Махсус вакил барча мамлакатлардаги, жумладан энди демократик йқлга кираётган мамлакатларда ҳам, демократик институтлар аллақачонлардан бери фаолият юритаётган, амалий тажриба ва анъаналарга эга бўлган мамлакатларда ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари аҳволи энгил эмаслигидан хавотир билдирди.

Шу билан бирга, асосий эътиборшундай мамлакатларга қаратилдики, уларда а) ички қуроли низолар ёки жиддий фуқаровий тартибсизликлар мавжуд; ва б) ҳуқуқни ҳимоялашнинг институтчионал механизмлари ва инсон ҳуқуқларининг кафолатлари тўла таъминланмаган ёки умуман мавжуд эмас.

Кўплаб ҳуқуқ ҳимоячилари денёнинг ҳар бир минтақасида ўзларининг инсоний ҳуқуқлари бузилишининг қурбонларига айланмоқда. Улар қатл этилмоқда, қийноққа солинмоқда, калтакланмоқда ва ҳақоратланмоқда, уларнинг эркин юриш, фикр билдириш, ассоциацияларга бирлашиш ва йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқлари чекланмоқда. Ҳуқуқ ҳимоячилари ўйлаб чиқарилган айбловлар ва адолатсиз судлов жараёни муҳокамалари объектига айланмоқда.

Қоида тариқасида, ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўзларига ёки улар ишлаётган ташкилотлар ва механизмларга қаратилган. Баъзида ҳуқуқ ҳимоячисига босим ўтказиш учун қонунбузарликлар ҳуқуқ ҳимоячиларининг оила аъзоларига нисбатан содир этилади.

Айрим ҳуқуқ ҳимоячилари улар ҳимоя қилаётган ҳуқуқларнинг характери туфайли жиддий хавф остида қоладилар. Аёл ҳуқуқ ҳимоячилари гоҳида гендер омили билан боғлиқ хавф остида қоладилар ва бунга алоҳида эътибор бериш керак.

Аксарият ҳолатларда ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши акциялар ҳам халқаро, ҳам миллий ҳуқуқ меъёрларини бузилиши ҳисобланади. Бироқ, ички қонунчиликнинг ўзи инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа мос келмайдиган айрим мамлакатларда қонунчиликдан ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши фойдаланадилар.

А. Ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши йўналтирилган қилмишларга мисоллар

Қуйида инсон ҳуқуқларининг бузилишига ва ҳуқуқ ҳимоячилари ўз фаолиятларида дуч келадиган тўсиқларга оид айрим мисоллар келтирилади. Гарчанд бу қилмишларнинг айримлари бор-йўғи бир марта содир бўлса-да, улар ҳуқуқ ҳимоячиларига ва уларнинг оилаларига кейинги бир неча ойлар ёки йиллар мобайнида таъсир кўрсатади.

Масалан, ўлдириш пўписаси билан кўрkitиш ҳуқуқ ҳимоячиларининг, шунингдек уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт тарзини буткул ўзгартиришга ва ҳатто хорижда вақтинчалик бошпана топиш илинжида мамлакатнитарк этишга мажбур қилиши мумкин.

Кўплаб ҳуқуқ ҳимоячилари ҳуқуқ ҳимоячилари сифатида фаолиятлари учун қасос сифатида амалга ошириладиган **қотилликнинг** қурбони бўладилар. Улар номаълум кишилар томонидан, баъзан эса маълум хавфсизлик хизмати вакиллари тарафидан ўғирлаб кетилади ва кейинчалик уларнинг жасади топилади ёки улар изсиз йўқоладилар. Ҳаётларига қилинган суиқасд туфайли ҳуқуқ ҳимоячилари касалхона ётқизишни ва жарроҳлик амалиёти ўтказишни талаб этадиган жиддий жароҳатлар оладилар.

Дунёнинг айрим минтақаларида ҳуқуқ ҳимоячиларини фаолиятларини тўхтатишларига мажбурлаш учун қўрқитиш ва ваҳимага солиш воситаси сифатида **ўлдириш билан таҳдид қилиш** амалиётидан кенг фойдаланадилар. Таҳдид кўпинча нотаниш овозда телефон орқали ёки аноним хат билан айтилади.

Айрим вазиятларда эса ҳуқуқ ҳимоячиларига таҳдидлар бевосита улар танийдиган шахслар томонидан айтилади, аммо улар полиция томонидан текширилмайди ва жиноят ишлари очилмайди. Полиция ва суд ҳокимияти томонидан ҳуқуқ ҳимоячиларининг ўлдирилиши ёки ўлдириш таҳдиди билан қўрқитилиши ҳолатларига қарши самарали кураш олиб борилмаслиги жиноят учун жазоланмай қолиш вазиятини юзага келтиради ва бундай ҳуқуқбузарликларни кучайтиради.

Баъзида ҳуқуқ ҳимоячилари қисқа ёки узоқ муддатга **ўғирлаш** қурбонлари бўладилар, асирликда эса улар урилади, **калтакланади, қийноққа солинади**. Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳарбий хизматчилар, полиция ва хавфсизлик кучларининг лавозимли шахслари томонидан **қийноқ** остида ёлғон кўрсатмалар олиш учун ёки хавфсизлик кучлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни фош этгани учун азобланади.

Ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан **ўзбошимчалик билан ҳибсга олишлар** ва полицияда **тутиб туриш**ларни қўллаш одатий ҳолга айланган, ва кўпинча бу иш тегишли ҳибсга олиш учун ордерсиз ва бирор-бир расмий айблов эълон қилинмасдан амалга оширилади. Дастлабки терговда судловсиз ушлаб туриш муддатлари гоҳида ўта чўзилиб кетади, айна пайтда ҳибсда тутиб туриш шарт-шароитлари жуда оғирдир. Ҳибсда тутиб турилган ҳолда ҳуқуқ ҳимоячилари калтаклаш, қўпол муомала ва қийноқлардан жабр кўрадилар.

Ҳолатларда ҳуқуқ ҳимоячиларига **жиноий ёки бошқа хил айбловлар** эълон қилинади, натижада улар **судловга** тортилади ва жазога **ҳукм** қилинади.

Тинч намоёнликлардаги иштироки учун, полициянинг суиистеъмолчиликларига қарши шикоят қилгани учун, туб жой аҳолиси ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаоллар йиғилишида иштирок этгани учун ёки инсон ҳуқуқлари бузилишидан жабр кўрганлар хотирасига бағишланган транспарантни кўтариб юргани учун ҳуқуқ ҳимоячилари порахўрлик, жамоат тартибини бузганлик ёки безорилик сингари турли сохта айбловлар билан таъқиб этилган. Бу ишлар бўйича узоқ муддатга қамоққа ташлаш, мажбурий тарзда руҳий касалликлардан даволаш ва “меҳнат тарбияси”га жалб этиш каби ччоралар белгиланган суд ҳукмлари чиқарилган.

Ҳуқуқ ҳимоячиларини **сиқувга олиш одатий амалиётга** айланган ва бу ҳеч ким томонидан аниқланмайди. Бу қилмишлар деярли ҳамиша ҳокимият томонидан амалга оширилади ва энг турли шаклларга эга бўлади. Давлат идоралари ҳуқуқ ҳимоячиларини доимий назорат, кузатув остига оладилар, уларнинг телефонлари ўчириб қўйилади ёки эшитилади. Уларни бемалол юриш ҳужжатларидан ёки

шахсини аниқловчи гувоҳномаларидан маҳрум қилишади, чет элга чиқишлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилишга бағишланган форумларда иштирок этишларига имкон берилмайди.

Адвокатлик билан шуғулланувчи ҳуқуқ ҳимоячиларини касб уюшмаларидан ҳайдаш ёки уларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш билан қўрқитишади. Ишловчи ҳуқуқ ҳимоячилари маъмурий тизим томонидан сиқувга олинади, масалан улар кичик маъмурий ишлар бўйича катта миқдордаги жарималарга тортиладилар ёки бирор-бир аён сабабсиз узоқ вақт мобайнида маъмурий идораларга чақирилиб турилади. Судьяларга айрим ишларни олиб боришга имкон беришмайди ёки кутилмаганда бир жойдан бошқа жойга ишга ўтказишади, улар оилалари билан мамлакатнинг бошқа қисмига кўчиб ўтишга мажбур бўладилар.

Ҳуқуқ ҳимоячилари **туҳмат ва ҳақорат** кампанияларининг жабрдийдаларига айланишади, давлат томонидан назорат қилинадиган оммавий ахборот воситаларида уларнинг ҳалоллиги ва маънавий қиёфасини шубҳа остига қўювчи **бўхтон ва уйдирма** гаплар тарқатилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жиноятларни фош қилган мустақил ноҳукумат ташкилотларни ва журналистларни бадном қилиш мақсадида сохта шикоятлар тўкилади.

Ҳуқуқ ҳимоячиларининг қиёфаси ва ишлари одамлар орасида бузиб талқин этилади, уларни террористларга, қўзғолончиларга, қўпоровчи шахсларга ва муҳолифат партиялари жосусларига тенглаштиришади. Давлат идоралари ва давлатга тегишли оммавий ахборот воситалари ҳуқуқ ҳимоячиларини улар ҳимоя этаётган шахсларга тенглаштирадилар; масалан, қуролли муҳолифат гуруҳларига кирувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари шу гуруҳларнинг аъзолари деб эълон қилинади.

“Хавфсизлик” чоралари деб аталадиган чоралар – **сиёсат, қонунчилик ва уларни амалга ошириш механизмлари** – гоҳида ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятини чеклаш учун ва ҳатто уларнинг ўзига қарши қўлланилади. Хавфсизликларини таъминлаш абҳонасида ҳуқуқ ҳимоячиларига шаҳардан чиқиш ман этилади, айни пайтда полиция ва бошқа хавфсизлик кучларининг мансабдорлари ҳуқуқ ҳимоячиларини ўз идораларига чақиришади, қўрқитишади ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир фаолиятлари тўхтатишларини буюришади.

Ҳуқуқ ҳимоячиларини хавфсизликни таъминлаш борасидаги мужмал қонунчиликка асосланиб жиноий жавобгарликка тортишади ва узоқ муддатли қамоққа ташлашдан иборат жазога ҳукм қилишади.

Алоҳида шахсларга шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликлардан ташқари, шундай тенденциялар ҳам қўзға аниқ ташланадики, баъзи давлатларда **ҳуқуқ ҳимоячилари фаолияти учун майдонни чеклашга** қаратилган стратегиялар амалга оширилмоқда. Уларнинг ташкилотлари майда-чуйда сабаблар билан беркитилади; уларни молиялаш манбалари ёпилади ёки ноқонуний чекланади; ҳуқуқ ҳимоячиларининг ташкилотларини рўйхатга олишга қасддан бюрократик аппарат томонидан тўсқинлик қилинади. Давлат идоралари **ҳуқуқ ҳимоячилари билан учрашувлар ўтказишга тўсқинлик** қиладилар ва уларга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни ўрганиш учун сафар қилишга имкон бермайдилар.

Ҳуқуқ ҳимоячиларини таъқиб қилиш ва уларнинг ишини барбод этиш учун фикр эркинлиги ва уни ифодалаш эркинлигига, диний эркинликка, ассоциациялар тузиш ва эркин кўчиб юришга оид **ҳуқуқларни қонуний амалга ошириш ва улардан фойдаланишни чекловчи қонунлар** қўлланилади, булар ноҳукумат ташкилотларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солишга оид қонунчилик актлари ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти эҳтиёжлари учун чет элдаги манбалардан молиявий кўмак олишни таъқиқловчи ёки мушкуллаштирувчи меъёрлар сингари қонунлардир.

Айрим ҳолатларда ҳуқуқ ҳимоячилари фаолиятини издан чиқариш бўйича саъй-ҳаракатларнинг объекти уларнинг иш жойлари ёки меҳнат қуролилари бўлади. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг **хизмат хоналари** ва/ёки **турар-жойларига ҳужум қилинади, эшик-деразаси бузиб кирилади ва руҳсатсиз тинтув қилинади**. Улар ишлайдиган бинолар ҳокимият вакиллари томонидан беркитилиб, муҳрланиб қўйилади, банклардаги ҳисоб рақамлари музлатилади (тўхтатилади).

Асбоб-ускуналар ва архив ҳужжатлари, шу жумладан компьютерлари, суратлар ва ҳужжатлар ҳамда дискеталар ўғирланади ёки мусодара қилинади. Интернетга ва халқаро электрон почта хизматига уланиш чекланади ёки умуман тўхтатиб қўйилади.

Барча тилга олиб ўтилган ҳуқуқ ҳимоячилар ҳуқуқларини поймол этиш ҳолатлари аксарият мамлакатларда ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан содир этиладиган жиноятларга нисбатан одатга айланган **жазоламаслик** вазияти билан чуқурлаштирилади.

В. Ҳуқуқ ҳимоячиси бўлган аёлларнинг аҳволи

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи аёлларга нисбатан ҳам юқоридаги А бўлимида тилга олинган барча қилмишлар содир этилади.

Бироқ ҳуқуқни ҳимоя қилувчи аёлларнинг аҳволи ва ўзига хос мавқеидан келиб чиқиб, бундай қийинчиликлар аёллар учун бошқача оқибатларга эга бўлиши мумкинлиги ва аёллар бунда қатор қўшимча муаммоларга дуч келишлари мумкинлиги тўғрисидаги масалада алоҳида огоҳлик ва тушуниш зарур.

Шуни таъминлаш зарурки, ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёлларнинг фаолияти эркак ҳаммаслақлариники сингари ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш билан қаршиланиши лозим ҳамда аёлларнинг ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимояси курашчилари сифатидаги мақоми тўла тан олинishi шарт.

Қуйидаги С-бўлимида кўрсатилгани каби, ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан қилинадиган ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабчиси, бунга имкон берувчиси давлатдир. Бироқ, ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёлларнинг ҳуқуқлари уларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятидан норози бўлган, ғазабланган ўз жамоалари аъзолари томонидан бузилиши ҳолатлари ҳам кам эмас, бундай жамоаларнинг айрим етакчилари аёлларнинг ҳуқуқ ҳимоячилари сифатидаги фаолиятлари аёлларнинг анъанавий роли борасидаги тасаввурлар доирасидан чиқиб кетади, деб ҳисоблайдилар.

Бундай вазиятларда кўпинча давлат ҳокимиятлари ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёлларни ҳамда уларнинг фаолиятини таҳдид солувчи ижтимоий кучлардан етарлича ҳимоя қилишга қодир бўлмайд қоладилар.

Дунёнинг аксарият қисмларида аёлларнинг анъанавий мавқеи жамият маданиятининг узвий қисми сифатида қаралади. Айнан шу туфайли ҳам ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёллар учун анъаналар ва маданиятнинг инсон ҳуқуқларини поймол этувчи жиҳатларини танқид қилиш ва шубҳа остига олиш жуда қийин.

Гарчанд бошқа мисоллар ҳам кўп бўлса-да, шу жиҳатдан яққол мисол сифатида аёлларнинг жинсий аъзоларида ўтказиладиган, уларни ногирон қилиб қўядиган жарроҳлик амалиётини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, аксарият аёллар жамоатларида жамоанинг ўзига хос давоми сифатида кўрилади. Агар ҳуқуқ ҳимоячиси ўзининг ҳуқуқ ҳимоячиси сифатидаги фаолияти учун зўрлаб кетилса, унинг кенгайтирилган жамоаси аёлни оиласини ва жамоасини шарманда қилган, деб ҳисоблаши мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида у нафақат қалбини жароҳатловчи зўрлаш фактидан етадиган укубатни, кўтариши керак, балким жамоатида қарор топган аёлнинг ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида теварагидаларни шарманда этгани борасидаги тасаввурларга ҳам чидашига тўғри келади.

Агар гап зўрлаш ёки бошқа бирор тажовуз ҳақида бормаганда ҳам, ҳуқуқ ҳимоячилари бўлишга қарор қилган аёллар кўпинча ор-номус, маданият хавф остида қолди, деб ҳисоблайдиган оилалари ва жамоатчиликнинг ғзабига чидашлари зарур бўлади. Улар ҳуқуқ ҳимоячилари сифатидаги фаолиятини тугатиши учун қилинадиган бундай босим жуда кучли бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёллар ёш фарзандлари ва кекса ота-оналарини ҳар куни парвариш этиш учун масъул эканликлари, агар қамоққа тушиш ёки ҳибсга олиниш туфайли улар бу парваришни қила олмай қолишлари мумкинлигини билишлари туфайли улар ҳуқуқ ҳимоячилари сифатидаги фаолиятларини давом эттиришлари жуда қийин.

Гарчанд бутун дунёда эркаклар ҳам имкон қадар қаровга муҳтож оила аъзоларини парваришлашни ўз елкаларига олаётган бўлсалар-да, бу ҳамиша бўлгани каби ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёллар учун муаммолигича қолмоқда.

Бироқ аёллар ўз мавқеларидан ҳуқуқ ҳимоячилари сифатидаги фаолиятларини кучайтириш учун фойдаланаётган ҳолатлар ҳам мавжуд, масалан, “бедарак йўқолган шахсларнинг оналари” ўзларининг ҳуқуқни ҳимояловчи ташкилотларини тузадилар. Уларнинг инсон ҳуқуқлари бузулиши жабрдийдаларининг оналари эканликлари бу ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёллар учун ўта фаолиятга сафарбар этувчи ва руҳлантирувчи омилдир.

Баъзида у ёки бу муайян ҳуқуқ ҳимоясига оид муаммога боғлиқ бўлган мураккаблик туфайли ҳуқуқ ҳимочилари бўлган аёллар вазиятларнинг залворли босими остида қоладилар. Аксарият маданиятларда одамлар орасида аёл киши эркак кишига ён бериши керак, пастроқ туриши керак, деган талабга риоя қилинадик, бу талаб аёл ҳуқуқ ҳимоячисининг инсон ҳуқуқларини бузган эркакни ошкора танқид этишига халақит беради.

Эркаклар томонидан, масалан, инсон ҳуқуқларига риоя этишда катта аҳамиятга эга бўлган қонунлар ёки амалий чораларни ишлаб чиқишда кўпинча диний матнларни муайян тарзда тафсир қилиш амалиёти қўлланилади. Бундай қонунлар ва амалиётни шубҳа остига қўйишни истаган ва уларнинг инсон ҳуқуқларига салбий таъсирини фoш этишга киришган аёл ҳуқуқ ҳимоячилари кўпинча айнан аёл бўлганликлари учун диний матнларни таҳлил этишга лойиқ инсонлар сифатида кўрилмайди.

Бу билан аёл ҳуқуқ ҳимоячиларига уларга қарши сурилаётган асосий далиллар бўйича эркаклар билан тенглик асосида фикр билдириш имконияти берилмайди. Ва яна улар ўзлари бирга яшашга мажбур бўлган жамоанинг қарама-қаршилигига дуч келишлари мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячилари бўлган аёллар дуч келадиган муаммолар баъзан эркаклар олдида турадиган муаммоларга қараганд анчайин кенгрок таҳлилни ва чуқуррок тушунишни талаб қилади.

В. Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳуқуқларининг бузилишида айбдорлар

Ҳуқуқ ҳимоячиларининг инсоний ҳуқуқларини ҳаммадан ҳам кўп давлат ҳокимияти вакиллари поймол этадилар ва айнан улар ҳуқуқ ҳимоячиларининг муҳофазасини таъминлаш учун асосий жавобгарлардир. Шу билан бирга ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этганлик содир этишга алоқадорлик учун айб шунингдек қатор “нодавлат” субъектларга ҳам қўйилиши мумкин ва шунинг учун уларнинг масъулиятини ҳам таъкидлаш муҳимдир.

1. Давлат ҳокимиятлари

Бу ерда ҳуқуқ ҳимоячиларининг инсоний ҳуқуқларини бузганликда айбдор давлат тизимларининг тўла рўйхатини бу ерда келтиришнинг имконийўқ. Бироқ айрим мисолларни келтириш мақсадга мувофиқдир ва шуни таъкидлаш лозимки, бир давлат идораси ҳуқуқни бузган ерда давлат ҳокимиятининг бошқа органлари тегишли қилмишларнинг олдини олмаганликлари ёки уларга эътиборли муносабат билдирмаганликлари учун ҳуқуқбузарликнинг иштирокчиларига айланишади.

Мазкур контекстда давлат ҳокимияти деганда ҳокимиятнинг ҳам маъмурий, ҳам сиёсий характердаги турли тизимларини тушуниш керак ҳамда нафақат умумдавлат миқёсидаги идораларни, балким маҳаллий ҳокимиятни ҳам назарга олиш шарт.

Ўзбошимчалик билан қамоққа олиш, ноқонуний тинтув ўтказиш ва жисмоний зўравонлик сингари актларнинг аён айбдори полиция ва бошқа хавфсизлик кучлари ҳисобланади. Бироқ одатда бу ишга бошқа ҳокимият идоралари ҳам араалашган бўлади. Масалан, ҳуқуқ ҳимоячиси халқаро стандартларни бузган ҳолда маҳаллий ҳокимият берган ордер асосида қамоққа олинганда ва жиноий жавобгарликка тортилиб, жазога ҳукм этилганда, мазкур қонунбузарликнинг иштирокчилари полиция, судьялар ва давлатнинг юристлари – барчаси бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ ҳимоячиларига ноҳуқумат ташкилотларини рўйхатга олдириш имконини бермаслик ёки йиғилиш ўтказиш эркинлигидан фойдаланишга йўл қўймаслик учун қонунлар ва маъмурий қоидалар тегишлича қўлланилмаса, асосий масъулият бу қоидаларнинг қўлланилишини назорат қилиш учун жавобгар бўлган фуқаровий ҳокимиятларга тушади.

Кўпинча давлат ҳокимиятлари тўқиб чиқарилган баҳоналар билан ҳуқуқ ҳимоячиларини “маъмурий қонунчилик” майдонидан сиқиб чиқарадилар, сўнг бундан кейинги ҳибсга олиш, қамоққа ташлаш ва жазо бериш учун ҳукм чиқаришнинг асоси сифатида фойдаланадилар.

Баъзида ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан ўлдириш таҳдиди билан аноним тарзда кўрkitиш сингари ҳаракатлар учун ким жавобгар эканини аниқлаш қийин бўлади. Ҳар бир ҳонунбузарлик вазиятидаги каби бундай вазиятларда ҳуқуқбузарликни текшириш, керак ҳолатда муайян вақт ҳимоя билан таъминлаш ва айбдорларни жиноий жараён тартибида жазолаш учун жавобгарлик тегишли давлат идоралари зиммасига тушади. Агар давлат идорлари бундай масъулиятни оқлай олмасалар, улар қз мажбуриятларини бажармаётган бўладилар.

Амалда айрим мамлакатларда полиция, ҳуқуқ ҳимоячиларига таҳдид ёки тажовуз бўлганда, нимадир чора кўришни ёки ҳеч бўлмаганда ҳуқуқ ҳимоячиларининг ходиса борасидаги шикоятини рўйхатга олишни рад қилади, судлар эса айбдорларни маҳкумлар курсисига ўтказишга шошилмайдилар. Ҳокимиятларнинг ҳаракатсизлиги туфайли ҳуқуқбузарликлар гоҳида чўзилиб кетади ёки такрор-такрор юз беради, янада ашаддий тус олади, кетма-кет ўлдириш билан таҳдид қилишлар охир-оқибат ҳуқуқ ҳимоячисини рostaкамига ўлдиришгача боради.

2. Нодавлат субъектлар

“Нодавлат субъектлар” гуруҳи жуда кенг ва қуролланган гуруҳларни, тадбиркорлик тизимларини, трансмиллий корпорациялар каби бизнес тизимларни ва шунингдек алоҳида шахсларни қамраб олади. Гарчанд ҳуқуқ ҳимоячиларининг ҳимояланиши учун асосий жавобгарлик давлатнинг зиммасида бўлса-да, шунини тан олиш муҳимки, нодавлат субъектлар ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан содир этиладиган акцияларга давлатнинг лоқайдлиги ёки беҳабарлиги оқибатида аралашган бўлишлари мумкин.

Қуролланган гуруҳлар бошқа қилмишлар қаторида қотиллик, одам ўғирлаш ва ўлдириш билан таҳдид қилишлардан одатда ҳуқуқ ҳимоячиларининг оғзини беркитиш мақсадида кўрkitиш воситаси фойдаланадилар.

Бу гуруҳларнинг айримлари ҳарбийлашган тузилмалар сифатида ҳукумат билан фаол ҳамкорлик қиладилар, бошқалари эса давлат билан низолашаётган қуролланган муҳолифат гуруҳларига алоқадордирлар.

Трансмиллий корпорациялар ёки йирик ер эгалари каби хусусий иқтисодий тизимлар, ҳамма эътироф этаётганидай, ўзлари жойлашган ердаги жамоат аъзоларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига кун сайин катта таъсир ўтказмоқдалар.

Айрим мамлакатларда трансмиллий корпорацияларнинг инсон ҳуқуқлари салбий таъсир кўрсатишига қарши тинч намойишларга чиққан ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан хавфсизлик кучлари намойишларни бостириш учун зўравонларча куч ишлатганлар.

Бошқа вазиятларда ҳокимият кучлари ҳуқуқ ҳимоячиларига хусусий иқтисодий тизимлар манфаатлари ифодаловчи номаълум кучлар ҳужум қилганда бирор чора кўрмаганлар. Бош қотибнинг ҳуқуқ ҳимоячилари тўғрисидаги масалалар бўйича Махсус вакили шунини таъкидладики, бундай тажовузларнинг айримларида хусусий

тадбиркорлик тизимларининг иштироки ва жавобгарлиги аниқ ва бунга ҳеч бир шубҳа йўқ.

Нодавлат идораларнинг акцияларига мисол сифатида ҳуқуқ ҳимоячилари сифатидаги фаолиятлари учун ҳуқуқ ҳимоячилари диний бирлашмалар, жамоат ёки қабила оқсоқоллари ва ҳатто ўз оилалари вакиллари томонидан қилинган қотиллик, дўппослаш ва кўркитиш ҳурбонлари бўлган ҳолатларни келтириш мумкин.

3. Давлат ва нодавлат субъектларнинг ижобий мавқеи

Аксарият давлатларда инсон ҳуқуқларини эъзозлаш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбурияти, қоида тариқасида, самарали бажарилади; деярли барча мамлакатларда хавфсизлик хизматлари ходимлари орасида ҳам, фуҳаролик ҳокимияти вакиллари орасида ҳам ҳеч бўлмаганда ҳеч бўлмаганда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун анча иш қилган ва ҳуқуқ ҳимоячилари вазифасини бажараётган айрим одамлар бор.

Айрим вазиятларда полициянинг мансабдор шахслари, судьялар, давлат маъмурий тизимининг фуҳаро хизматчилари ва сиёсатчилар бошқаларнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одил судлани амалга ошириш ва коррупцияни бартараф этиш учун ўз ҳаётларини хавф остига қўядилар.

Худди шунга монанд тарзда, агар айрим хусусий хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ҳимоячиларига нисбатан қонунбузарликларни содир этсалар, бошқалари ҳуқуқ ҳимоячиларига салмоқли ёрдам кўрсатадилар, ҳуқуқбузарликка қарши чиқадилар.

Трансмиллий корпорациялар инсон ҳуқуқлари эъзоланишини таъминлай оладиган салоҳиятли кучга айланишлари мумкин ва айрим корпорациялар бандлини таъминлаш га оид ижобий сиёсат юргизадилар ҳамда ўзлари жойлашган жойдаги жамоатларнинг иқтисодий ва ижтимоий янгилинишига ҳисса қўшадилар. Диний етакчилар ҳам кўпинча инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳимоя қилиш тарафдорлари сафининг олдида турадилар.

Баъзи ҳолатларда нодавлат субъектлар ўтказадиган ижобий ва салбий таъсир ўртасида аниқ чегара ўтказиш мушкул. Тадбиркор доиралар айрим инсон ҳуқуқларини таъминлашда ижобий рол ўйнашлари мумкин, айти пайтдабошқа ҳуқуқларга салбий таъсир ўтказишлари ҳам мумкин. Шунинг учун ишбилармон доиралар ҳуқуқ ҳимоячиларининг уларнинг фаолияти инсон ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатгани ҳақидаги чиқишларига қандай муносабат билдираётганликларини ҳисобга олиш лозим.